ЙИГИТЛАРГА ҲАРБИЙ ЛИБОС ЯРАШАДИ 2-бет

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР 3-бет



ШЕЪРИЯТ БЎСТОНИ 4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 88 (10.141) / 2004 ЙИЛ 7 МАЙ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

• ХОТИРА ва Қадрлаш куни муносабати билан БУГУН Миробод туманида, Ҳамза туманидаги «Фазо» қаҳвахонасида, Собир Раҳимов туманидаги «Антарес» қаҳвахонасида, Яккасарой туманидаги «Табассум» қаҳвахонасида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида байрам тадбирлари уюштирилди.

• **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманида «Висол» маҳалла гузарининг очилиш маросими бўлиб ўтади.

• **МИЛЛИЙ** матбуот марказида узоқ йиллар матбуотда фаолият кўрсатган фахрий журналистлар билан ёшларнинг учрашуви уюштирилди.

• **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партиясининг Ҳамза туман Кенгашида шу кунгача қилинган ишлар ва келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида Тошкент радиотехника коллежида ўтказилган тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини янада ошириш масалалари муҳокама этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## *9 май — Хотира ва Қадрлаш куни*



# ЭҲТИРОМ

***Шу кунларда Хотира майдони одамлар билан янада гавжум. Зиёратга келганлар Мотамсаро она обидаси олдида бир зум бош эгиб ўтишади. Бу урушга кетиб қайтмаган фарзанди доғида куйиб ўртанган онага бўлган халқимизнинг ҳурмат ва эҳтироми.***

Обидага битилган «Сен доим қалбимдасан, жигарим» деган сўзлар гўё онанинг фарзандига бўлган меҳрини ифодалаш билан бирга одамларни ҳушёрликка чорлаб тургандек. Гўё бу сўзлар авлодларга ўша даҳшатли йиллар хотирасини эслатиб, уларни бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишга, тинчликни муқаддас билишга ундаётгандек бўлиб туюлади. 9 майнинг Юртбошимиз томонидан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинишининг ҳам боиси ана шунда. Ўшандан бери ўтган 6 йил мобайнида бу кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Айтиш мумкинки, бу нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва оналаримизга иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш ҳамдир.

Бинобарин, хотирлаш ибораси урушда ҳалок бўлганларга тегишли бўлса, қадрлаш сўзи тирикларга хосдир. Зеро суронли йиллар машаққатини бошидан ўтказиб, ўз юртига соғ-омон қайтганлар, уруш орти — меҳнат фронтида туриб қуролдошларимизга ғалабани тезлатиш учун зарурий ёрдамини аямаган, ҳозирда ҳаёт бўлган фахрийларимиз ва кексаларимиз чеккан заҳматлар ҳар қанча қадрга арзигулик эмасми? Бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган нуронийларимизга муносиб иззат-икром кўрсатиш бизнинг фарзандлик бурчимиз эмасми?



Шунинг учун ҳар йили ушбу қутлуғ сана шарофати билан бутун республикамизда фахрийларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиб, совға-саломлар улашилади. Уруш даҳшатларини кўрган, истибдод зулмини тортиб Истиқлол кунларига етган фахрийлар билан учрашувлар ўтказилади. Бундай юзма-юз кўришувлар ва мароқли суҳбатлар кишиларимизнинг маънавиятини бойитиб, улар қалбидаги уйғоқ хотира ва фахр туйғусини мустаҳкамламоқда.

Куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори, унда иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига бериладиган пул мукофотини уларга кўрсатилаётган ҳурмат, иззат-икром белгиси деб тушунмоқ керак. Эл-юрт учун фидойи бўлган инсонлар меҳнати ҳеч қачон ерда қолмаслиги ва унутилмаслиги шундан ҳам кўриниб турибди.

Бугун зиёратга келганларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, уларнинг тилида «Урушнинг номи ўчсин, тинчлигимизга кўз тегмасин» деган сўзлар тез-тез такрорланади.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Халқаро CHF ташкилотининг «Қарши ёшларини иш билан таъминлаш» лойиҳаси ёрдамида қаршилик ёшларнинг қарийб 100 нафари доимий иш жойига эга бўлишди.**

**• Оқолтин туманида хайрли ишга қўл урилди. Туман фермерлари А.Носиров номли хўжаликдаги 17-мактабга 1 миллион, У.Носир номли хўжаликда жойлашган 9-мактабга 1,1 миллион сўм маблағ ажратиб, спорт мажмуаларини таъмирлаб беришди.**

**• Урганч шаҳрида Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги тизимидаги аҳвол таҳлили ҳамда дала юмушларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**• Марҳамат тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳудуддаги қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи қошида битирувчилар учун илк бор иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.**

**• Ғузор туманидаги «Чаноқ» ва «Пахтазор» маҳаллалари ва Чуқур қишлоғи аҳолиси табиий газдан фойдалана бошлади. Ушбу ҳудудларга қисқа муддатда 9 километрдан зиёдроқ масофага ўрта босимли қувур тортилиб зангори олов келтирилди.**

**• Деҳқонобод туманининг марказий шифохонасида соғломлаштирувчи сауна ҳамда фитобар ишга тушди. Ҳашар йўли билан беморларга қулайлик яратиш мақсадида бунёд этилган сауананинг кичик деворлари арча ёғочи билан қопланган ва бу бел, оёқ ва қўл оғриқларини даволашда яхши самара беради.**

### Жаҳонда

**• Америкалик миллиардер Уоррен Баффет АҚШ демократик партиясидан президентликка ягона номзод бўлган Жон Керрининг сайлов кампаниясига қўшилди.**

**• Фаластин етакчиси Ёсир Арофат мухторият журналистларига яқиндагина уюштирилган ҳужумни текширишга ваъда берди. Бу тўғрида Арофат оммавий ахборот воситалари вакилларига маълум қилди.**

**• Италияда Рихтер шкаласи бўйича 5,3 балл кучига эга бўлган зилзила рўй берди. Ер ости силкинишининг маркази Салин оролидан унча узоқ бўлмаган Тиррен денгизида жойлашган.**

**• Бир муддат тинчиб қолган Ироқнинг Карбало шаҳрида ғалаёнчилар ва коалиция кучлари ўртасида навбатдаги тўқнашув содир бўлди.**

**• Фаластин мухторияти ҳукумати ХАМАС ташкилотига тегишли бир неча гуруҳлар ва уларни молиявий таъминлаб келган бошқа ташкилотларнинг Ғазо секторидаги банк ҳисоб рақамларини музлатиб қўйди.**

***Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга қишлоқ хўжалик техникаси, компьютерлар ва бошқа замонавий воситалар берилишини кўзда тутувчи битим имзоланди. Битимнинг умумий қиймати 50 миллион Хитой юанига тенг.***

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ҳужжат Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга фоизсиз кредит ажратиш ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида 2003 йил 23 сентябрь куни имзоланган битим ҳамда 2003 йил 15 февралидаги Алмашув мактублари доирасида қабул қилинди.

Битимни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшэн имзолади.

**ЎзА**

## Ўзбекистон — ЕИ:
# КЕНГАЙИШ БЎЙИЧА ПРОТОКОЛ

**Европа Иттифоқининг (ЕИ) кенгайиши ўтган ҳафтанинг муҳим халқаро воқеаси бўлди.**

2004 йил 5 май куни Марказий, Шарқий ва Жанубий Европанинг ўнта давлати — Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия ва Эстония — Европа Иттифоқига аъзо бўлди.

Ушбу воқеа арафасида Брюсселда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга (ШҲБ) қўшимча протоколнинг имзолаш маросими бўлиб ўтди. Протоколга мувофиқ ЕИга янги аъзо давлатлар Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ШҲБга қўшилди. Ушбу ҳужжат «кенгайиш бўйича протокол» деб ҳам аталади.

**«Жаҳон» АА.**

## Сўранг, жавоб берамиз

***Алиментни ҳисобга ўтказишга ва қайтариб олишга йўл қўйилмайди, деган гапни эшитиб қолдим. Шу тўғрида маълумот берсангиз.***

**Ё.Аҳмедова, тикувчи.**

Алимент қарши қўйилган бошқа талаблар билан ҳисобга ўтказилиши мумкин эмас.

Алиментни қайтариб олишга йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар бериш ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш оқибатида алимент ундириш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

алимент олувчи томонидан алдаш, қўрқитиш ёки зўрлик таъсири остида тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас деб топилганда;

алимент тўланишига асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси қалбакилиги факти суд ҳукми билан аниқланганда.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар вояга етмаган боланинг ёки вояга етган муомалага лаёқатсиз алимент олувчининг вакили томонидан содир этилган бўлса, алимент қайтариб олинмайди, тўланган алимент суммалари эса, алимент тўлаш шарт бўлган шахснинг даъвосига кўра айбдор вакилдан ундирилади.

* * *

***Мен туғруқхонадан туғилганига атиги 10 кун бўлган чақалоқни олиб тарбияламоқчи ва оналик меҳри билан уни вояга етказмоқчиман. Лекин айни кунларда тўлиқ режимли ишда ишлайман. Билишимча, бола туғилганидан сўнг унинг онасига маълум миқдорда таътил берилларди. Мен ҳам ўша имтиёздан фойдалансам бўладими?***

**О.Мусурмонова, ишчи.**

Янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки уларга васий қилиб белгиланган шахсларга берилиши керак бўлган таътил тўғрисида Меҳнат кодексида тўлиқ маълумот берилган. Меҳнат кодексининг 235-моддасига мувофиқ, сизга бола туғилган кундан бошлаб 70 календарь кун ҳисобида таътил берилади. Кейинчалик бола икки ёшга тўлгунга қадар энг кам иш ҳақининг маълум фоизи миқдорида нафақа тўлангани ҳолда, уч ёшга тўлгунга қадар эса иш ҳақи сақланмаган ҳолда болани парваришлаш таътили берилиши керак.

***Бугунги кунда Ватан ҳимоячиси бўлиш шарафли ишга айланди. Ҳақиқий ватанпарвар, мард йигитлар эгнига ҳарбий либос киймоқда. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскарлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бир йил хизмат қилишмоқда. Шуниси қувончлики, чақирилувчилар Қуролли Кучларимиз сафига жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам тобланган ҳолда келишмоқда.***



*Ватанга хизмат — муқаддас бурч*

# МАРДЛАР САФИДА БИР КУН

Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига кўра айни кунларда муддатли хизматга лойиқ деб топилган йигитлар Армиямиз сафларини тўлдирмоқда, ўз йигитлик бурчи масъулиятини чуқур англаган ҳолда ота-она, маҳалласи, Ватанини қўриқлашдек вазифани бажаришга киришмоқда.



Куни кеча Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан алоқачилар ҳарбий қисмида ёш аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишув тадбири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси каби қатор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари хизматни бошлаганига эндигина бир ҳафта бўлган ёш аскарларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

— Бугунги кун аскари уч-тўрт йил олдинги аскардан бутунлай фарқ қилади, — дейди тадбир иштирокчиларини кутиб олар экан қисм командири, подполковник Мавлон Юнусов. — Хизматга келаётган йигитларнинг ҳарбий ҳаёт ҳақидаги маълум тушунчаларга эга бўлиши, Ватанни қўриқлаш — мардлар вазифаси эканини чуқур англаши бизни қувонтирмоқда. Негаки, ҳам жисмоний, ҳам руҳий тайёргарликка эга бўлган аскар ҳарбий ҳаётни жуда тез ўзлаштиради. Дарҳақиқат, ҳарбий либос кийганидан юзида, кўзида фахрланиш акс этиб турган йигитларнинг саф тайёргарлиги машқларида шахдам қадам ташлаб юришларини кўрганда уларнинг ҳақиқий ватан ҳимоячиси, ҳар қандай синовларга тайёр эканлигига шубҳа қилмадик.

— Тўрт кун бўлди хизматни бошлаганимга, — дейди қашқадарёлик оддий аскар Мурод Тўраев. — Ёшликдан ҳарбий кийим кийган кишиларга ҳавас билан боқар эдим. Мана бугун орзуларим ушалди. Биз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сафда юришни жуда тез ўргандик, демак ўқув машғулотлари, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича ҳам ана шундай тезкорлик кўрсатилса яхши натижаларга албатта эришамиз.



Ҳарбий қисмни айланиб аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, ётоқхонадаги аскарча саранжомлик, ўқув хоналари, кутубхонада ҳам қатъий интизом акс этиб турганлиги кишини масъулликка чорлаб тургандек туюлди, назаримизда.

— Кутубхонамизда етти мингга яқин турли бадиий ва ижтимоий сиёсий мавзудаги китоблар бор, — дейди ҳарбий қисм кутубхона мудираси Муҳаббат Жумаева. — Аскарларимиз бўш вақтларида доимо шу ерда бўлишади. «Халқ сўзи», «Ватанпарвар» «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари, журнал ва бадиий китобларни севиб мутолаа қилишади. Имкон борича уларга буюк боболаримиз, ўтмиш тарихимиз ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

— Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаб хизматга келдим, — дейди фарғоналик Ғуломжон Йўлдошев. — Ниятим ҳарбий офицер бўлиш. Олдинда жуда катта масъулиятли синовлар турганини биламан, лекин ишонаманки, ўз олдимга қўйган мақсадимга албатта етаман. Ўз фикрини айтишга чоғланиб турган оддий аскарлар Шерали Мамажонов, Ойбек Ирисбоев, Умид Қўзиев, Шомурод Сатторовларнинг қалбида Ватан учун муносиб бўлиш каби юксак туйғулар жўш уриб турганини сезиш қийин бўлмади.

Тадбир иштирокчилари яна ёш аскарлар учун унутилмас учрашув ҳам ўтказдилар. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзбек генерали, фахр ва ифтихор рамзи Собиржон Охунжонов каби эл ардоғидаги инсонларнинг дил сўзлари улар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: алоқачилар ҳарбий қисмида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

*Танловлар*

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Албатта, ишлаб топган маошимизни тежаб сарфлаш билан бирга унга арзон ва сифатли маҳсулот харид қилишга ҳаракат қиламиз. Аммо арзон махсулот сифатли бўлмаганидек, сифатли маҳсулот кўп ҳолларда арзон бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум. Дейлик, кеча сиз бозордан анча пул сарфлаб ёзги мавсум учун оёқ кийим сотиб олдингиз. Уйга келиб харидингизни кўздан кечираркансиз, оёқ кийимдаги нуқсонни кўриб, бирдан кайфиятингиз тушиб кетади. Хўш, бу ҳолатда нима қилиш керак? Бахтга қарши харидингизни тасдиқловчи чек ҳам олмагансиз, ҳаттоки бу ҳақда сотувчидан сўраб ҳам кўрмагансиз. Нима деб ўйлайсиз, истеъмолчи бу ўринда ҳақми, ёки...***

Маълумки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айни пайтда амал қилмоқда. Аммо бугунги кунда бу қонундан юртдошларимиз хабардорми? Улар ўз ҳуқуқларини қанчалик яхши биладилар? Қонунда белгиланган қоидаларга кўпчилик амал қиладими? Бу борада ўсиб келаётган ёш авлоднинг билими қандай?

Яқинда Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуидаги кўрик-танловнинг шаҳар босқичида юқоридаги саволларга жавоблар изланди. Асосан истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчиликнинг назоратини кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил қилинган танловда шаҳримизнинг туманларида ғолиб бўлган мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ҳамда шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда дастлаб шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров сўзга чиқиб, умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган танлов иштирокчиларини қизғин қутлади.

— Бугунги танловимизда шаҳримизнинг барча туманларидан ғолиб бўлган 22 нафар зукко ўқувчилар иштирок этмоқда, — деди жумладан Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси раиси Искандар Холмирзаев. — Низомга мувофиқ танловда 4 та шарт бўйича беллашишмоқда. Иштирокчилар дастлаб ўзларининг мактаби, тумани ва шаҳри, шиори, кўкрак нишонини таърифлайдилар. Иккинчи шартда ўқувчилар «Истеъмолчи ўз ҳуқуқини ҳимоя қилмаса, у ноҳақ» мавзуида баён ёзадилар. Унда истеъмолчининг кундалик муаммолари ёритилиши ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилиши зарур. Учинчи шарт бўйича иштирокчилар ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришлари лозим бўлади. Сўнгги шартимиз, бу—тест топшириқлари, бунда ҳар бир иштирокчига истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиги доирасида 15 та тест саволлари берилади.

Бўлиб ўтган кўрик-танловнинг шаҳар босқичида барча иштирокчилар ўзларининг билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Танлов якуни ҳисоб-китобларига кўра 1-ўринни Ҳамза туманидаги 166-мактаб ўқувчиси Игорь Пряхин эгаллаган бўлса, 2-ўрин Собир Раҳимов туманидаги 310-ўрта мактаб ўқувчиси Фароғат Аҳмедовага насиб этиб, улар республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

**Орзугул РУСТАМОВА**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Инсон — олам безаги

● Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.

● Инсон — бир бутун олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.

● Ҳаёт — бу бетўхтов камолотдир.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу-ғамга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта унинг уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма».

**Байт:**

**Мен инсон деган**
**улуғ фикр-ла,**
**Ҳамиша кўксимни**
**тутаман баланд.**

● Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир.

● Ирода одамзоднинг фарқли белгисидир, фақат ақлгина ироданн бошқариш учун абадий қоидадир.

● Қаноатли бўлмаган одам ҳеч қачон ўзига ўзи хўжайинлик қила олмайди.

● Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, кишида қаноат бўлмаса, топган-тутганига сабр қилмай, кўпига интилса, оқибат хорлик азобини тортади. Шунинг учун ҳам айтадилар:

**Бўлса агар суву парча**
**қотган нон,**
**Ўзга косасига кўз тикма,**
**инсон.**
**Бўлсанг агар тожу тахт**
**учун муҳтож,**
**Заминни тахт деб бил ва**
**қуёшни тож.**

Доно кишилар эса: «Қаноат туганмас бойликдир, қаноатли киши ҳеч камбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадога ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса деб одамлар олдида бош эгади», дейдилар.

**Байт:**

**Бировнинг олдига**
**боргандан нон деб,**
**Уйда жим ўтирмоқ**
**яхшидир жон деб.**
**Ҳар ким таъма йўлин**
**тутса агар пеш,**
**Оқибат бир куни**
**бўлғуси дарвеш.**

● Қадр-қимматни, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъзозлашимиз керак. Ишонган боғимиз, суянган тоғимиз — ота-онамиздек азизу ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, қўни-қўшни, ҳамма-ҳаммамиз бирбиримизга ғаниматмиз.

*9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни*

*Заҳматкашларимиз*

# ИБРАТЛИ УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

***Орамизда шундай инсонлар борки, улар яқин-атрофдагиларга доимо ҳурмат, иззат-икром кўрсатадилар, ғамхўрлик қиладилар. Бошқаларга яхшилик қилиш, ўзгалар учун ёруғ нур бўлиб, одамлардан ширин сўзини ва ёрдамини аямаслик — мана шулар инсон учун энг олий фазилат.***

Яккасарой туманидаги «Конституция» номли маҳаллада истиқомат қилаётган пиру бадавлат онахон, қатор медаллар соҳибаси, узоқ йиллар маҳалла хотин-қизлар кенгашини бошқариб, ҳозирги кунда ҳам маҳалланинг жонкуяри ҳисобланган Нафиса ая Қодировани шаҳримизда жуда кўпчилик яхши танийди ва эъзозлайди. Тиниб-тинчимас бу онахон Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган «Гўзал қалб» давраси, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Қалб эътиқоди» даврасининг ҳам фаол аъзоларидан ҳисобланади.

— Маҳаллаларимизда қадим урф-одатларимиз, қадриятларимиз сақланиб қолган, — дейди Нафиса ая. — Бу ҳам бўлса инсонийликнинг ҳеч бир қонунларида қайд этилмаган гўзал кўринишларидан — каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳр-оқибат, мурувват сингари фазилатлар қадимдан мавжуд ва ҳали-ҳануз эъзозланиб келинмоқда. Айниқса, беминнат, чин юракдан қилинган яхшилик, ҳурматнинг баҳоси йўқ. У инсонлардаги энг улуғ ва олий фазилатлардандир.

Нафисахон айни 16 ёшларида II жаҳон уруши бошланиб, ёш-яланглар, кексалар қаторида фронт ортида 12 соатлаб меҳнат қилди. Кўп қатори урушнинг кўп жабру жафоларини бошидан кечирди...

Нафиса Қодирова 1949 йилда Тошкент педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент педагогика университети)нинг табиий география факультетини кимё-биология мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битиргач, одам анатомияси ва физиологияси кафедрасига аспирантликка қабул қилинади. Илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги туфайли узоқ йиллар фан оламида чуқур изланишлар олиб бориб самарали натижаларни қўлга киритди. 1958 йилда Нафиса опа номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб биология фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди.



Нафиса Қодирова факультет деканни вазифасида ишлаб, педагоглик фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди. Бу орада унинг 30 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинди. Ўз касбини чин дилдан севган, унга чексиз меҳр қўйган, тинимсиз изланиб, меҳнат қилган аяга омад ва бахт доимий йўлдош бўлди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлди.

Нафиса аяниг илмга чанқоқ, иқтидорли ёш аспирантларга мавзу танлаш, илмий изланишларида холисона хизматлари катта бўлди. Унинг ўзига ва ёшларга талабчанлиги ва жонкуярлиги боис талаба-аспирантлар ўртасида ҳурмат-эътибори ошди.

— Дунёда яхши одамлар, эзгу қалбли инсонлар борки, мен шулардан мадад олиб яшамоқдаман, — дейди Нафиса ая. — Айниқса, аёл шундай бир улуғ зотки, йўқдан бор қилади, узилиб кетган меҳр ришталарини улайди, қариндошлар ўртасида кўприк бўлади. Мен умрим давомида онамнинг ўгитларига тўла амал қилиб яшамоқдаман. Чунки озгина эътибор, меҳр, самимийлик кишига олам-олам қувонч бахш этади, яхши ишларга руҳлантиради, ҳатто дунёни гўзал қилиб юборади. Мутахассислигим она табиат билан боғлиқ, уни жондан севганим учун бутун умримни, куч-қувватимни унинг бетакрор жозибаларини кашф қилишга, асосийси эса бор билим-маҳоратимни ёшларга астойдил эринмасдан ўргатишга бағишладим ҳамда бундан фахрланаман.

Қизғин иш фаолияти давомида ая нафақат талаба ёшларга билим берди, балки шаҳримиздаги бир нечта мактаблар билан яқиндан алоқада бўлиб, ўқувчилар учун услубий қўлланмалар яратди.

Нафиса Қодированинг ўғил-қизлари ҳам эл-юрт хизматида. Невaралари ардоғида бўлган онахон шу ёшда ҳам тиним билмай ёрдамга муҳтож ва маҳаллдаги беморлар ҳолидан хабар олади. Инсонларга яхшилик қилиш онахоннинг умр мазмунини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда ҳам муборак 80 ёшга қадам қўйган Нафиса ая меҳнатсиз маъноли умр кечириб бўлмаслигини, қариганда ҳам инсон келажакка ишончини йўқотмасагина чинакам иродали, иймони бутун бўлишини қайта-қайта такрорлайдилар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МУРАББИЙСИ



***Ҳали ўн саккизга кирмаган Абдураҳмон ака 1942 йили ота дуосини олиб II жаҳон уруши фронтларига жўнайди. Ватанни озод қилиш, душманга зарба бериш, фронтчи дўстлари билан доимо ғалабага интилиш ёш жангчининг дилида бўлди. Бу борада неча ўлимлардан омон қолди, ярадор бўлди.***

1945 йили Венгриядаги Балатон кўлида чўкиб кетди, аммо уни Балаханский деган дўсти қутқариб қолди. Урушдан кейин 38 йил ўтгач, Абдураҳмон ака ўз халоскорини Украинадан топди ва Ўзбекистонга таклиф қилди. Фронтчи дўстларнинг севинч ёшларига гувоҳ бўлганмиз. Абдураҳмон ака урушни Чехословакия элида тамомлаб, Ватанига қайтади.

1946 йили у Ўрта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетига киради ва 1951 йили «Ёғлар технологияси» мутахассислиги бўйича имтиёзли тамомлайди. Аспирантурага киради. У 1955 йили ўзининг номзодлик, йигирма йилдан сўнг эса докторлик диссертацияларини ёқлади. Аввало кафедрада ассистентлик, кейин доцент, сўнгра профессорлик вазифасида фаолият кўрсатди. Кўп йиллар давомида «Ёғлар технологияси» кафедрасига мудирлик қилади, ёшларга илм бериш, уларни етук мутахассис қилиб тарбиялашни ўйлайди. Шогирдларидан 4 кишининг докторлик диссертациясига илмий маслаҳатчи, 20 та номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди. Улар ҳозир турли илмий ташкилот ва олий ўқув юртларида ишлашмоқда. Булардан доцент Пўлат Илҳомжонов билан профессор Йўлдош Қодиров бир неча йиллар давомида Жазоирдаги Бумердес политехника институтида дарс бериб қайтишганлигига ҳам гувоҳмиз.

Олим 300 дан ортиқ илмий мақолалар ва 45 та муаллифлик гувоҳномаси соҳибидир.

Абдураҳмон Абдураҳимовга корхоналарга кўрсатган ёрдамлари ва илмий муваффақиятлари туфайли 1986 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи» фахрий унвони берилди. У Ўзбекистонда ўсимлик мойларини қайта ишлаш технологиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Абдураҳмон ака ҳамон педагогик фаолиятини давом эттирмоқда, ёшларни тарбиялашга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Олим ҳукумат мукофотлари соҳиби, ёшларнинг севимли мураббийси, ўз касбдошларининг ишончли ва ардоқли дўсти сифатида обрў топган кишилардан.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида устознинг саксон йиллик тўйи билан табриклаб, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламиз.

**Қ.АҲМЕРОВ,**
**Ғ.РАҲМОНБЕРДИЕВ,**
**Тошкент кимё технологияси институти профессорлари.**

# ФАХРИЙЛАР ҚУТЛАНАДИ

***Ҳаётдан кўз юмган яқинларимиз, эл-юрт фидойиларини хотирлаш, орамизда юрган инсонларни эъзозлаш ва қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳозир жойларда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, хайрия кечалари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, эртага Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Хотира ва Қадрлаш куни ва Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 141 йиллиги муносабати билан ўзига хос тадбир бўлиб ўтади. Биз Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Муҳамедовадан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

— «Меҳр-мурувват учун қалбингни оч» номли тадбирга биринчи навбатда жамиятда фаолият кўрсатиб пенсияга чиққан фахрийлар, жамият тасарруфидаги ногиронлар, якка-ёлғизлар, шаҳримиздаги 21 ва 30-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини таклиф этдик. Шунингдек, унда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий кенгашидан вакиллар ҳам иштирок этишади.

Маълумки, ҳозирда ҳар бир олий ўқув юртида Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган. Уларда Ёшлар марказининг волонтёрлари (кўнгилли ёшлари) иш олиб боради. Кўнгиллилар тадбир шиорини қандай тасаввур қилишлари юзасидан тақдимот ўтказишади. Шунингдек, ушбу мавзу юзасидан газеталар танлови ҳам ўтказилган бўлиб, унга якун чиқарилади ва ғолиблар тақдирланади.

Бундан ташқари «Бир лаҳзада расм чизиш» танлови ғолиблари ҳам «Меҳр-мурувват учун қалбингни оч» мавзусини ёритиб беришади. Фаолиятимизни мунтазам ёритиб борувчи журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилади.

21 ва 30-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг тақдимоти, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатлари фахрийлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топшириш ҳам тадбир доирасидан ўрин олган. Тадбир иштирокчилари ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилади.

**Даврон НУРМАТОВ ёзиб олди.**

# ХОТИРА УЙҒОНСА ТЎЗАЛДИР

**Муҳаммад ЮСУФ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ИЗҲОРИ ДИЛ

Кўҳна толбешикдан
Бошланган олам.
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир куни синглим, деб,
Бир куни онам —
Ватан,
Кимлигингни
Билмай севаман!...

Тўзғийди тўнингдан
Тортган тўралар.
Кеча тузингни еб
Сотган тўралар.
Энди пушаймонда,
Туйник мўралар —
Мен сенинг
Ёнингдан
Жилмай севаман.

Менга еринг суюк,
Осмонинг суюк.
Боқсам, тенг
Тўрттала
Томонинг суюк.
Тавонимга кирган
Тиконинг суюк —
Кафтдан
Зирапчанг ҳам
Юлмай севаман.

Чўксанг,
Тур, синглим деб,
Сочинг силайман.
Сўксанг,
Опам дейман,
Умринг тилайман.
Сендан ранжимайман,
Гина қилмайман —
Хоҳ хўмрай,
Хоҳ жилмай,
Бирдай севаман.

Ватан —
Юрагимнинг
Олампаноҳи,
Бу дунё
Букри бир
Жийдангнинг шохи!...
Кўзи ёши билан
Суғориб гоҳи
Кўксимда ўстирган
Гулдай севаман.

Бу ёруғ жаҳонда
Йўғу боримсан,
Тилимнинг остида
Новвот-заримсан.
Сен менинг ягона
Пайғамбаримсан,
Мен Билол,
Мен Ҳабаш —Қулдай севаман!...

* * *

Маъюс куним кўзим тушса,
Куяр осмон, тушунмайсан.
Мени само тушунгайдир,
Сен эй инсон, тушунмайсан...

Куйиб кўксим ўтар бўлсам,
Оқар бўлсам, кетар бўлсам,
Мени дарё тушунгайдир,
Сен эй уммон, тушунмайсан.

Мен ҳам шайдо, мен ҳам мафтун,
Мен ҳам ҳеч кими йўқ Мажнун,
Мени Лайло тушунгайдир,
Сен эй жонон, тушунмайсан.

Менинг йўлим узун армон,
Ўзим довон, ўзим карвон,
Мени саҳро тушунгайдир,
Сен эй сарбон, тушунмайсан.

Менинг борим эрур кўнглим,
Менинг ёрим эрур кўнглим,
Маъюс танҳо тушунгайдир,
Сен эй хандон, тушунмайсан...

Маъюс куним кўзим тушса,
Куяр осмон, тушунмайсан.
Мени Оллоҳ тушунгайдир,
Сен эй ҳоқон, тушунмайсан...

Кўнглим гул, кўзларим гулдир,
Юзим гул, қўлларим гулдир.
Мени сабо тушунгайдир,
Сен эй тўзон тушунмайсан.

Ғуборимдир бўйи райҳон,
Миноримдир тилим бийрон.
Мени дунё тушунгайдир,
Сен эй нодон, тушунмайсан.

## ШОИР

Ғариб деманг шоирни, ғариб,
Етти кўкка учиши мумкин.
Етти қава[illegible]они ағдар[illegible]
Сўзни — қ[illegible]дек қучиши мумкин!...

Бутун эмас шоирнинг нони,
Шоирларнинг юраги бутун,
Қарзин узмай узилмас жони,
Ҳаққини унутиши мумкин.

Дардин тилга кўчирмас шоир,
Шоир дардин ютиши мумкин.
Ҳеч кимни зор куттирмас шоир,
Шоир юз йил кутиши мумкин.

Шоир агар суйса біровни,
Севилмаса — суяр севгисин.
Ёрга ўзи топиб куёвни,
Тўйда ўйин тушиши мумкин...

Ҳеч кимсага ўхшатмас шоир,
Бир севганин юракдан лекин.
Кўз ёшини кўрсатмас шоир —
Шоир фақ[illegible] [illegible]ичиши мумкин!

## ШУКР ДЕЙСАН СЕН ҚАЧОН

Таъмагирни тортқилаб,
Нафси қўймас дейдилар.
Нокас ўзи тўйса ҳам,
Кўзи тўймас дейдилар.

Боқ бир ёруғ оламга —
Кимлар зўрға кун кўрар.
Одамлар бор, боғдаги
Булбулдан ҳам пул сўрар.

Ёлғон дунё — бу дунё,
Арзон дунё — бу дунё.
Не-не ҳоким, беклардан
Қолган дунё — бу дунё.
Киприкдан ҳам қисқадир
Молу дунё йўллари.
Ибрат бўлсин, Искандар
Очиқ кетган қўллари!...

Узат дейсан, бер дейсан,
Ҳеч қўймадинг, одамзод.
Туя тўйди, фил тўйди,
Сен тўймадинг, одамзод.

Шукр қилар ҳаттоки
Қумурсқа — паррандалар.
Шукр дейсан сен қачон,
Хом сут эмган бандалар?...

Бу уч кунлик дунёда
Савлатингга керилма.
Қаср қурма, боғ қолдир,
Давлатингга керилма.

Ўз элингни қақшатсанг,
Хор бўласан ўзинг ҳам.
Бир кун шу эл меҳрига
Зор бўласан ўзинг ҳам!...

## МЕНГА БЕРИНГ

Олам яралгандан бери,
Одам яралгандан бери,
Аждодларим имдодини
Менга беринг, менга беринг.

Ўғлим, деб ишонган элим,
Киндик қоним томган элим,
Туйғуларим озодини
Менга беринг, менга беринг.

Не бахт, беш юз йилдан бери,
Боқийдир бир бобом шеъри.
Беҳзод чизган сувратини
Менга беринг, менга беринг.

Қаранг, Абу Райҳон келур,
Ҳаста кўнгли вайрон келур,
Синонинг тиббиётини
Менга беринг, менга беринг.

Темурнимас, Чингизнимас,
Осмон тўла юлдузнимас,
Улуғбекнинг ниятини
Менга беринг, менга беринг.

Ҳиндуга мусофир ўша,
Ҳиротдаги Бобур ўша,
Ғурбатдаги Фурқатини
Менга беринг, менга беринг.

Лайлиларни вафосини,
Мажнунларин нидосини
Алпомишин келбатини
Менга беринг, менга беринг.

Осмонларга учгим келур,
Шоҳ Машрабни қучгим келур.
Гўрўғлининг Ғиротини
Менга беринг, менга беринг.

Ўтган куним, кетган куним,
Ўз бошимга етган куним.
Қодирийнинг пок ёдини
Менга беринг, менга беринг.

Қайда бу кун Усмон Носир,
Бағри кукун Усмон Носир.
Шоирларнинг шерзодини
Менга беринг, менга беринг.

Ерни ушлаб тўхтатаман,
Яссавий ким кўрсатаман,
Ватан адабиётини
Менга беринг, менга беринг...

Яшайлик бир ўзбек бўлиб,
Бир узукка кўздек бўлиб.
Деган дилнинг муродини
Менга беринг, менга беринг.

Замин ерин зўрин олинг,
Жаннатининг тўрин олинг.
Ўзбекистон ободини
Менга беринг, менга беринг.

У ҳам мени кўргай ҳали,
Кўзи ёниб сўргай ҳали:
Шу ўғлимнинг баётини
Менга беринг, менга беринг.



**Бугунги кунда халқимиз ардоғидаги севимли шоир Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида 50 ёшни қаршилаган бўларди. Оташқалб шоир қисқа умр кўрсада ўзидан мангуликка дахлдор бўлган катта бир шеърий хазина қолдириб кетди. У шеърият бўстонида чақин мисол бир ёниб ўтди. Муҳаммад Юсуф она юртини чуқур меҳр билан улуғлаган, она Ватан шаънини кўкларга кўтариб мадҳ этган шоир. Шунинг учун унинг номи шеърлари каби қалбларимизда абадий яшайди.**

# ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ

* * *

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган достонларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағрим ўртар бир ўй баҳор айёмлар,
Ой борган ёқларга термулиб шомлар.
Айбин билмай кетган Акмал Икромлар,
Файзуллодек марди-
майдонларинг бор...

Юртим, кўнглингдек кенг
осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган достонларинг бор.
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган
Чўлпонларинг бор.

Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор.

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг, менинг фиғоним,
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,
Айтсам адо бўлмас достонларинг бор.

## ЎҒЛОНЛАР

*Афғонистонда ҳалок бўлган ўзбек ўғлонлари хотирасига.*

Ҳиндиқушдан таралади бир нола,
Юракларни титратиб зир-зир нола.
Қаранг қонга ботиб ётар бир дала,
Мангу армон бўлиб кетган ўғлонлар...

Алпомишдай келбатидан гапирмай,
Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай.
Ўн гулидан бир гули ҳам очилмай,
Умри хазон бўлиб кетган ўғлонлар.

Меҳнатдан бош кўтармаган деҳқон эл,
Урушдан ҳеч кўкармаган деҳқон эл.
Йўқлар Сизни кўздан ёшин тўкиб сел,
Ўққа қалқон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бир дарёга уланмаган ирмоқлар,
Бир қиз сочин силамаган бармоқлар,
Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.

Аслида-ку, барингиз бир ўзбексиз,
Бир юрт ўғли, бир узукка кўздексиз.
Бўғзимда тош қотиб қолган сўздексиз,
Марди майдон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бир дунёда балки, бир онанинг сиз —
Тилаб олган ёлғиз ўғли эдингиз,
Қайтмас бўлиб қаро ерга кетдингиз,
Мулки афғон бўлиб кетган ўғлонлар.

Ботирмиди, Қодирмиди отингиз,
Қолди дилда муҳрланиб ёдингиз.
Жалолиддин, ахир, Сизнинг зотингиз,
Ўзбекистон бўлиб кетган ўғлонлар.

## КЕТАР БЎЛДИМ...

Ёр, эшигинг очилмади мен учун,
Тилингдан бол сочилмади мен учун.
Уйингдан жой топилмади мен учун —
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...

Келдим десам, жойинг йўлак дедилар,
Севдим десам, тенгинг бўлак дедилар.
Сенинг севгинг кимга керак дедилар...
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...

Куйма, ёрим, куйдирмагин, куйма ёр,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор.
Икки яхши яшнаган жой қайда бор?...
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...

Дерлар: жон соғ бўлса жаҳон топилгай,
Бир парча ер, парча осмон топилгай,
Лекин қайда сендек жонон топилгай.
Кетар бўлдим ўзингдан
бир сўролмай...

Ёр, эшигинг очилмади мен учун,
Тилингдан бол сочилмади мен учун,
Уйингдан жой топилмади мен учун,
Ўтар бўлдим юзингни бир кўролмай.

## ТАВАЛЛО

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз
сени, Ўзбекистон!...
Қалқонинг бор, ким қасд қилса
гар шонингга.
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўрғонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз
сени, Ўзбекистон
Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Шодон даминг кўролмаган
юртфурушлар,
Бир кун бир кафт қумлоғингга
зор бўлади.
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон
Ҳеч кимга бермаймиз
сени, Ўзбекистон!...
Гул кўринган даштингдаги
гиёҳ — хасдир,
Соддадилу улуғворлик сенга хосдир.
Севамизки, чўлларинг ҳам
бизга жаннат.
Тупроғинг ҳам Макка мисол
муқаддасдир.
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз
сени, Ўзбекистон!

## ЯЛПИЗ

Ўзим жаннатда-ю, дўзахда кўнглим,
Ялпизжон, сен ўсган ўтлоқда кўнглим.
Сен жилға бўйида сарғайган синглим,
Мен уммонда сенга муштоқ оғангман.

Кўзимдан ёш оқар юзингдан ўпсам,
Қанийди бир умр пойингда чўксам,
Дилингга дилимни дардини тўксам —
Водийсидан ажраб қолган воҳангман.

Мен шоир эмас, мен назмбоз косиб,
Шеърим шуҳратимга эмас муносиб.
Бир лутф туфайли минг ғафлат босиб,
Ариғига сиғмай қолган наҳангман.

Осмонин туси йўқ бу тахтни нетгум,
Райҳонин иси йўқ бу бахтни нетгум,
Бош олиб ёнингга келади кетгум,
Далангдан оламга бир садақангман!...

Эй оқ кўнглим менинг, эй
кўк куйлагим,
Бўйингни бўйингга келар тенглагим,
Куйласам фақат сен сабаб куйладим,
Япроғингдан ерга томган оҳангман.

## БОР БЎЛСИН

Қиз бор уйнинг файзи бўлак дейдилар.
Жаннат йўли — қиз бор йўлак дейдилар.
Ўнгиримда ўғлим йўқ деб ўксиманг,
Тоғ бўлмаса қир ҳам тиргак дейдилар.
Элнинг бахти ботирларга ёр бўлсин.
Оминалар, Фотималар бор бўлсин!...
Қиз йўқ юртга кўкламлар
сеп тўшарми?
Келини йўқ тўйлар тўйга ўхшарми?
Қиз борки, ўлка омон, қўрғон бут,
Қиз кутмаса йигит олов кечарми?
Жонлар илҳақ, илинжлар тумор бўлсин.
Маъсудалар, Маҳзуналар бор бўлсин.

Қизи йўқнинг ойсиз хомуш осмони,
Қизи борнинг қасрдир хонадони,
Шу мунглиғу шу муштипар парвонанг,
Йигит йўлинг, қиз —
кўнгилнинг султони,
Ота уйда ҳар куни баҳор бўлсин,
Мавлудалар, Маъсумалар бор бўлсин!

Эй Муҳаммад, ола оға-ининг бор.
Бирда яхши, бирда ёмон кунинг бор,
Бир кун бошинг ботар бўлса болишга,
Қизларингда[illegible] яқин [illegible]на киминг бор!!!
Совчилари эшигида зор бўлсин —
Нозималар, Мадиналар бор бўлсин.

* * *

Отдим вақт юкини елкадан оша,
Йўлдан сурдим темир панжарасини,
Кўзимга ёш олиб қилдим томоша,
Ҳазрат Баҳовуддин мақбарасини.

Бухорои шариф, муқаддас бешик,
Не-не алломалар дунёга келган.
Бунга шоҳлар кирган кавушин ечиб,
Бу жойга амирлар пиёда келган.

Мен бир ғариб шоир, мен
шоҳ эмасман,
Айбим ҳам эмасдир бўлолмаганим.
Фақир бўлиб ҳам бегуноҳ эмасман,
Гуноҳим — ўттиз йил келолмаганим!...

* * *

Асли дунё надир — Саҳрои кабир,
Агар азиз эрса одам-да, азиз.
Дунёга келдингми, дардингдан гапир,
Умринг ўлчаб қўймиш саробни хасис.

Мен бобом руҳини зиёрат айлаб
Карвонидан ажраб келган бўтаман.
Карвон Вақт турибди йўлимни пойлаб,
Изимни совутмай изимга қайтаман.

Лекин руҳим қолар шу ҳаробада,
Руҳимнинг руҳларга йўл йўлаги бор.
Аждодим кўмилган ҳар сардобада,
Менинг жонимнинг ҳам бир
бўлаги бор...

Отдим Вақт тош юкин бошимдан оша,
Йўлдан сурдим темир панжарасини,
Кўзимга ёш тўлиб қилдим томоша,
Ҳазрат Баҳовуддин мақбарасини.

## УЗР

Биз баҳорда ошиқ бўлдик куздан узр,
Хазонларда қолиб кетган қиздан узр,
Ҳар не ўтса биздан ўтди,
биздан гуноҳ,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр...

Соғинчларга сингил бўлди суюкли ёр,
Мен меровда на меҳр бор,
на кўнгил бор,
Озроқ илҳом, кўпроқ шароб
қилди хумор...
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

Тилимдан бол томди боқиб оламга гоҳ,
Бир ширин сўз айтолмадим
боламга гоҳ,
Йиллаб бармоқ босолмадим
қаламга гоҳ,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

Йўлим қараб жайрон кўзи
толиб кетган,
Гоҳ далада дайди шамол олиб кетган,
Гоҳ андеша айвонида қолиб кетган,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

Дили борга дилдан дардим
тўкканим рост,
Сўз бошида бош эгиб
тиз чўкканим рост.
Гоҳи жонни авайлаган —
қўрққаним рост,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр...

Ўксимасин зардоб тўла кўнгилчангиз,
Дарё-дарё кўз ёшим бор чўмилсангиз,
Мен ҳам машҳур бўлармидим,
туғилсангиз,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр...

Юрагимнинг тагидасиз ялпиздан пас,
Гоҳ ўйлайман шундоқ қўлим
узатсам бас!
Юзингиз бир кўрмай сира
ўлгим келмас...
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр

## ИНШООЛЛОҲ

Ўзбекистон, бўйи-бастинг кўрсат энди,
Паҳлавоним, етди сенга навбат энди,
Олам узра ҳилпирасин абад энди
Соҳибқирон Темур тиғи —
яшил байроқ,
Иншооллоҳ !

Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас,
Жон чекмасанг осмонлардан
омад ёғмас,
Қаторингда ботирларинг бўлсин оғмас,
Гуркирасин Алпомишлар ўтган
тупроқ,
Иншооллоҳ !
Қадим Олтин бешик
авлоднинг масканисан,
Алишерлар, Улуғбеклар Ватанисан,
Яшнагани — ўз аслига қайтганисан,
Турон юртда ёнсин қайта
сўнган чироқ,
Иншооллоҳ !
Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш,
Сенга мудом иймон йўлдош,
ислом йўлдош,
Бор бўлсин шу қирқ ўрим соч,
ўсмали қош,
Оқ яктагу беқасам тўн, шоҳи
белбоғ,
Иншооллоҳ !
Тотув юртда янтоқ ўзин тоғ айлагай,
Бир-бирини қўллаган эл кам бўлмагай,
Болалари Туркистонни боғ айлагай,
Абад яшнар, хазон билмас
энди бу боғ,
Иншооллоҳ !

## ЎЗБЕКМОМО

Фаришталар файзи ёғар юзларингдан,
Аримасин қувонч энди, Ўзбекмомо.
Юрсанг офтоб эргашади изларингдан,
Офтоб бўлиб нур соч
энди, Ўзбекмомо.
Келди қайтиб ёт юртлардан
карвонларинг,
Қўнғироғи кўксингдаги армонларинг.
Ўзингники ўзинг ёпган
ширмонларинг —
Сенга тегмас қирмоч
энди, Ўзбекмомо.

Саробларга сажда қилдик етмиш
йил биз.
Йўқ Ватанни Ватан билдик
етмиш йил биз.
Чин Ватаннинг пойларига чўкайлик тиз,
Сен йўл бошла, йўл оч
энди, Ўзбекмомо.

Эй сен ҳикмат диёри, эй сирли бағир,
Не даҳога йўл кўрсатдинг ўзинг, ахир,
Темурга ҳам алла айтган ўзинг, ахир,
Қайтар қалбга ишонч энди, Ўзбекмомо.

Озод юртда, обод юртда бор келажак,
Ҳур ўлкага мудом йўлдош, ёр келажак.
Ҳали не-не Алпомишлар туғилажак,
Бахтинг бошга гултож энди, Ўзбекмомо.

Тўкилмасин сочингдаги битта толанг,
Омон бўл сен, омон бўлсин
дашту даланг.
Чўпон боланг, деҳқон боланг,
султон боланг —
Кел, дуога қўл оч энди, Ўзбекмомо!

## ХАЛҚОНА

Қиз деганнинг кўкси тўла ўй бўлади,
Йигит бир кун етилиб бўй бўлади.
Бир тандир нон ўртада, бир коса сув,
Ўнта ўзбек йиғилса тўй бўлади...

Рўёбларга чиқади ширин тушлар,
Келинчакнинг енгидан куёв ушлар...
Бешикларни бўшатиб бир-бирига,
Туғилади Тўмарис, Алпомишлар.

Суюнгандан оналар кўзида ёш,
Оталар юзида порлар қуёш.
Набиралар тўлади ҳовлиларга,
Бари бир хил — қорасочу қорақош.

Бола гапин ёқтирмас қайтганини,
Бизда бола қилдирар айтганини.
Майли, содиқ ўсса бас, юртига у
Бошларига кўтариб Ватанини...

Дабдабасиз даврада нур бўлади,
Куёв — тўра, келинчак — ҳур бўлади.
Қайда ялла янграса келаверинг,
Ўзбегимнинг тўйлари зўр бўлади.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Транспортчиларга раҳмат, йўловчиларнинг вақтини тежаб, узоғини яқин қилиб туришибди. Лекин шунга қарамай, ҳамон баъзи йўналишларда қатнайдиган транспортлар ҳаракатидаги тартибсизликлар ҳақида таҳририятимизга газетхонлардан норозилик мактублари келиб турибди. Аслини олганда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилаётган, транспортлар сони кун сайин ошиб, янгиланиб бораётган бугунги кунда одамлардан бундай шикоятларни эшитиш ғайритабиийдек туюлади. Бироқ, кузатувларимизда баъзи шикоятчиларнинг эътирозлари ўринли эканлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Бир мисол: Юнусобод ва Шимолий вокзал оралиғида қатновчи 60-сонли автобуслар ҳаракати бир вақтлар шаҳримизда энг намунали ҳисобланарди. Ушбу йўналишда қатновчи машиналарнинг тартибли, тиғиз ҳаракатига ҳамманинг ҳаваси келарди. Билмадик, кейинги йилларда бу йўналишга кўз тегдими, ёки машиналар сони бироз камайиб қолдими, ҳар қалай бекатларда йўловчилар уни узоқ муддат кутадиган бўлиб қолишди.

Яқинда ўзимиз шу автобусга чиқмоқчи бўлиб «Олой» бозори олдидаги бекатга келдик. Кутдик, кутдик, машинадан дарак бўлмади. Бу орада 51, 38, 57, 67-йўналиш бўйлаб қатновчи автобуслар бир-икки, баъзилари уч бор келиб-кетди. Афсуски, 60 дан дарак бўлмади, бекатдагилар билан суҳбатлашдик.

— Сизлар ҳам 60-автобусни кутяпсизларми?

— Худди шундай. Лекин у жуда кам юрадиган бўлиб қолган. Ҳар қалай қатнов олдингидагидек эмас.

— Айниқса, аҳвол кейинги вақтларда ёмонлашди. Бекатларда 15, 20 дақиқа ҳатто ундан ортиқ муддат туриб қоляпмиз.

— Тиғиз вақтларда жуда тиқилинч бўлади. Баъзан ишга кечикиб турган пайтларимизда автобусга чиқолмай қолиб кетамиз.

— Мен Юнусободнинг «Шаҳристон» бекатидан кейингисида— «Д-2» бекатида тураман, — дейди ўрта ёшлардаги киши. — Шу бекат атрофида каттагина маҳалла, бир нечта тўққиз қаватли турар жой бинолари жойлашган. Хуллас, бекат ҳамиша йўловчилар билан гавжум. Лекин негадир, йўл-йўлакай барча катта-кичик бекатларда тўхтайдиган автобус худди шу жойда тўхтамай ўтиб кетади. Шу атрофда турувчилар 60 га чиқиш учун ё «Юнусобод» бозори бекатига ёки бўлмаса қанча йўл босиб «Шаҳристон» бекатигача боришлари керак. Нега ҳамма йўналишлар бўйлаб қатнайдиган автобуслар бу жойда тўхтаб ўтадию, 60 тўхтамайди? Нима, бу бекат унинг учун ўгайми? Шу савол анчадан бери бизни қийнайди.

Бу гаплардан 60-йўналиш бўйича қатнайдиган автобуслар ҳаракатида анча-мунча муаммолар йиғилиб қолган кўринади. Ўйлаймизки, автобус саройи ва уларга раҳбарлик қиладиган мутасадди идоралар бу ҳақда ўйлаб кўришади ва йўловчиларнинг ўринли таклиф ва истакларини инобатга олишади.

## БАҲС ЯХШИ, ЛЕКИН...

Танганинг икки томони бўлганидек, баҳснинг ҳам икки томони фойдали ва фойдасиз томонлари бор. Албатта биринчиси яхши, иккинчисидан эса худо асрасин. Нега дейсизми? Бунинг мисоли сифатида ўтган йили Ҳумсонда дам олаётганимизда содир бўлган бир воқеани келтиришимиз мумкин.

Уч-тўрт тенгқурлар дарё бўйида дам ола туриб баҳслашиб қолишибди. Улардан бири кайф устида: «Мен шу дарёнинг нариги чеккасига бемалол сузиб ўтаман», дебди. Шериклари: «ўтолмайсан» дейишибди. Гаровга битттa ош тикилибди.

Йигит дарёга тушиб суза бошлабди. Тез оқар сувнинг ярмига борганида тўлқинлар қаршилигига дош беролмай, тошдан тошга урилиб, анча жойгача оқиб кетибди. Кўпчилик бўлиб уни сувдан олиб чиқишибди. Лекин вақт ўтган экан.

Чойхонада улфатчилик қилиб ўтирган йигитлардан бири бир килограммлик ошни бир ўзи ейишини айтибди. Ўртада баҳс бошланибди. Йигит ошнинг ярмисигача еб борибди. Қолгани томоғидан ўтмай ютқазибди. Энг ёмони кучли таомни унинг ички аъзолари кўтаролмабди. Ичаги буралиб, ўша куни касалхонага тушиб қолибди. Жарроҳлар унинг ҳаётини зўр-базўр сақлаб қолишибди.

Аслида баҳс яхши нарса. Лекин у таваккалчилик эмас, балки бирор манфаатли, фойдали бўлса. Шу ўринда беихтиёр хаёлимизга одамлар тилида тез-тез такрорланиб турадиган бир ҳикоят келди.

Эмишки, бир табиб хушманзара шаҳардан ўтиб кета туриб, шу гўзал масканда табибчилик қилмоқчи бўлибди ва шаҳарнинг казоларидан сўрабди:

— Одамларингиз қай пайтда уйқуга ётиб, қай пайтда уйғонадилар? Улар ўртасида турли номақбул баҳслар бўлиб турадими?

— Бизнинг шаҳарликлар кеч ётиб, эрта уйғонадилар. Улар ўртасида баҳслар бўлиб туради. Лекин уларнинг негизида эл корига ярайдиган янгиликлар, кашфиётлар ётади.

— Яна бир саволга жавоб берингчи, одамларингиз қандай овқатланишади?

— Қоринлари очмай овқатланишга ўтиришади, қоринлари тўймай қўл артишади.

Бу гапларни эшитган табиб хайр-маъзур қилиб:

— Менга бу тоза, гўзал шаҳарда иш йўқ экан, гапларингиздан маълум бўлдики, сизларда ҳамма одамлар соғлом, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ экан, дея йўлига равона бўлибди.

Ўйлаймизки, қиссадан тегишли ҳиссани ҳар ким ўзига чиқариб олади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Давлат божхона қўмитаси офис мебеллари ва махсус тайёрланадиган мебеллар тайёрлатиб харид қилиш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60**
**Коммутатор: 120-76-00, ички: 26-11; 26-08**
**Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.**

**СОТИЛАДИ** планли уй 5 хона, 5 сотка, АГВ, газ, сув, «Ўзгариш» Тел: 58-68-63


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


*Қутлаймиз!*

**Қадрли онажонимиз, Ҳалимахон ая!**

*Сизни муборак таваллуд айёмингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга тан-сиҳатлик, боқий умр ва бардамлик тилаймиз. Ҳаётингиз ҳамиша қувончу шодликларга тўлиқ бўлсин. Узоқ йиллар фарзандларингиз, набираларингиз ардоғу эъзозида пиру бадавлат бўлиб юриш насиб этсин, деб*

**Қизингиз Наргизахон, куёвингиз Низомиддин ва набираларингиз.**

**ГИССАТ — ЎЗБЕК МЧЖ га**
трикотаж тўқимачилари, механик усталар, ишчилар керак
Адрес: Х. Асомов кўчаси, «Малика фабрикаси» Тел: 167-57-19.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ М.С.ТУРСУНХЎЖАЕВА НОМЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

*2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни қабул қилади:*

**9- СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА**

I. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун **«Ҳамширалик иши»** мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.
2. Биология.

II. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун **«Акушерлик иши»** мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.
2. Биология.

III. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун **«Стоматология иши»** мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.
2.Биология.

IV. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун **«Ортопедик стоматология» (Тиш техниги)** мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.
2. Биология.

**КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:**

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмли 6 та фотосурат.
5. Маҳалладан маълумотнома
6. Тикмажилд (ҳужжатлар тикиладиган-скоросшиватель)
7. Хатжилд (конверт)
8. Абитуриент паспортини ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси 17-А уй.

Телефонларимиз: 29-72-14; 29-72-15; 29-72-16; 29-72-17; 29-13-94. Транспортлар:

Автобуслар: 82, 76, 10, 100, 87, 85, 65, 131,
Маршрут-автобуслар: 32, 35, 120, 117, 11, 87, 86.
Трамвай: 27.

**М.С. ТУРСУНХЎЖАЕВА НОМЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ 2004 ЙИЛ 20,21,22 МАЙ КУНЛАРИ АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» НИ ЎТКАЗАДИ**

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси, 17-уй
Автобуслар: 82, 87, 100, 76, 85, 65, 131,
микро-автобуслар: 87, 19, 120, 32, 10, 35, 86.
Трамвай: 18.
«77-сонли дорихона», «Қорақамиш комплекс бозори» бекати
Телефонлар: 29-72-14; 29-72-15; 29-72-16; 29-13-94.





Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607. 1 2 3 4 6